

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

# АЁЛЛАР УЧУН ҶИМОЯ ОРДЕРИНИ ОЛИШ



ҲУҚУҚИНГИЗ БОР

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМАРХАНОВА ДИЛДОРА ШАРИПХАНОВНА  
ГАФУРОВА НОЗИМА ЭЛЬДАРОВНА**

**АЁЛЛАР УЧУН ҲИМОЯ ОРДЕРИНИ ОЛИШ  
ҲУҚУҚИНГИЗ БОР**

**Рисола**

**Тошкент – 2021**

УЎК: 343.235.2(041)(575.1)

**Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий кенгашининг 2020 йил 25 июндаги 5-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.**

Д.Ш. Умарханова, Н.Э. Гафурова.  
Аёллар учун ҳимоя ордерини олиш  
ҳуқуқингиз бор. Рисола.  
Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. – 32 б.

**Тақризчилар:** **А. Хусейнова** – сенатор, Бухоро вилояти Оила илмий-амалий маркази раҳбари;  
**Ф. Хамдамова** – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), ЖИДУ катта ўқитувчиси.

Мазкур рисола тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш ва расмийлаштириш тартиби масалаларига бағишланган. Унда сиз зўравонлик ва тазйиқ тушунчалари, турлари, зўравонлик ва тазйиққа учраган аёлларнинг ҳимоя ордеридан фойдаланиши, уни расмийлаштиришга оид масалалар билан танишасиз.

Нашр кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	4
1. Зўравонлик нима? .....	5
2. Тазйиқ нима? .....	9
3. Ҳуқуқларингизни ҳимоя қилувчи асосий қонун ҳужжатларини биласизми? .....	12
4. Ҳимоя ордери нима? .....	14
5. Ҳимоя ордерини бериш тартиби қандай? .....	18
6. Ҳимоя ордерини расмийлаштириш тартиби қандай? .....	21
7. Ҳимоя ордерининг ижроси қандай таъминланади? .....	23
8. Ҳимоя ордери амал қилиш муддатини узайтириш тартиби қандай? .....	25
9. Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини тугатиш тартиби қандай. ....	26
10. Схема .....	27
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b> .....	31

## КИРИШ

Бугунги кунда аёллар ва болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жаҳон ҳамжамиятидан алоҳида эътиборни талаб этмоқда. Аёл ҳуқуқлари барча ҳолатларда мутлақо ва сўзсиз ҳимояланиши лозим. Ушбу ҳуқуқнинг алоҳида юридик мақоми шахс дахлсизлиги ва шахснинг инсоний кадр-қиммати билан белгиланади.

Аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишга халқаро ҳужжатларда ҳам, миллий қонунчилигимизда ҳам жиддий эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар сингари эркалар ва хотин-қизлар ҳуқуқларининг тенглигини таъминлайди.

Бугун мамлакатимизда эҳтиёжманд, кўмакка муҳтож аёлларга ҳар қачонгиданда кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир аёлнинг дардини тинглаш, унинг муаммоси қайси идорага тегишли бўлишидан қатъи назар, ҳал этиш асосий вазифага айланган, десак муболаға бўлмайди.

Шундай экан, нега муаммоли аёллар, оилалар камаймаяпти?

Рисола зўравонлик ва тазйиққа учраган аёллар кимга муурожаат қилиши керак, қандай қилиб ҳимояланади ва ҳимоя ордери қандай қилиб расмийлаштирилади каби саволларга жавоб бериш мақсадида Тошкент давлат юридик университети олималари томонидан тайёрланган.

## 1. ЗЎРАВОНЛИК НИМА?



**Зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан қўрқитиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқлари ҳамда

эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик).

### Жинсий зўравонлик нима?

Сиёсатшуносларнинг фикрига кўра, дунёда жуда катта миқёсда хотин-қизлар жисмоний ва жинсий зўравонликка дучор бўлмоқда. Масалан, Европада ҳар учта аёлдан биттаси турли зўравонликларга учрайди. Шулардан 5% жисмоний зўравонлик ҳисобланади. Энг



ривожланган мамлакатлардан ҳисобланган АҚШда 12 ёшдан 16 ёшгача бўлган қизларнинг 83% турли зўравонликларга (жисмоний зўравонликларга ҳам) дучор бўлади. Англияда эса 16 ёшдан 59 ёшгача бўлган хотин-қизнинг бештадан биттаси худди ана шундай зўравонликка дуч келади.

Агар жамиятда руҳий зўравонлик, жисмоний зўравонлик, молиявий зўравонлик, аёлларнинг ҳуқуқларини камситиш ҳоллари оддий ҳолат деб ҳисобланса, булардан жинсий зўравонлик ҳоллари ҳам келиб чиқади.

*Демак, жинсий зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш, жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қилиш, шунингдек, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлашдир.*

### **Жисмоний зўравонлик нима?**

**Жисмоний зўравонлик** хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан кўрқитиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қилишдир.

### **Ёдда сақланг!**

*Аёлга нисбатан жисмоний зўравонлик соғлиқни сақлаш ва инсон ҳуқуқлари бузилиши йўлидаги жиддий муаммодир.*

Сир эмас, мамлакатимизда ҳам аёллар билан боғлиқ бир неча мудҳиш ҳодисалар рўй берди. Оиладаги “уй зўравонлиги”ги билан боғлиқ низолар жабрини асосан аёллар тортмоқда. Аксарият ҳолатларда зўравонлик қурбони ҳисобланган аёл оиласи обрўсини сақлаш, гап-сўзларга йўл қўймаслик мақсадида жим юришга мажбур бўлади.

Натижада қатор аёллар жисмоний зўравонликка, ўз ҳуқуқлари топталишига, хўрланишга, доимий кўрқувда яшашга чидай олмай, ҳатто ўз жонига қасд қилиш даражасигача ҳам борган. Буларнинг бари юртимизда хотин-қизлар масаласига оид ечилиши лозим бўлган қатор муаммолар мавжудлигини намоён қилади.

## **Эслатма!**

*Оилавий-маиший зўравонликка жазо муқаррар. Шу мазмунда ваколатли органларга келиб тушган ҳар бир мурожаатлар синчиклаб ўрганилади ва айбдорларга муқаррар жазо берилади.*

## **Руҳий зўравонлик нима?**

**Руҳий зўравонлик** – хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаъни, кадр-қимматини камситиш, шунингдек, уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

## **Энди статистикага эътибор беринг!**

*Аёлларга нисбатан зўравонлик буйича мамлакатда ўтказилган сўров натижаларига кўра,*

*зўравонлик руҳий таъсир – сўз билан таҳқирлаш (респондентлар умумий сонининг 28 %); таҳдидлар, қўрқитиш (6,5 %); ўқиш ёки ишлашга боришни таъқиқлаш (7 %); оила аъзолари ва дўстларидан ажратиб олиш (4,5 %); пул бермаслик(6,5 %) ва бошқалар.*

*Респондентларнинг фақат 0,5 % жинсий зўравонлик ҳақида хабар берган (ёки 2020 та уй бекаларидан 10 таси).*

*Сўровда қатнашган аёлларнинг 5,8 % жисмоний зўравонликка учраган. Жисмоний зўравонлик учун асосий сабаблари хиёнат (85 %) ва ортиқча рашик (28 %), эрининг қариндошлари ва она-онасига ҳурматсизлик (53 %) ва аёлнинг кўчада беҳаё ва ўзига жалб қилувчи қиёфада юришига қарши эрининг норозилиги (39 %), аёлнинг шахсий ишлари билан уйдан тез-тез чиқиб кетиши (37 %) ва болани яхши парвартиш қилмаслиги (43 %) ва ҳоказо<sup>1</sup>.*

<sup>1</sup> [https://www.unecce.org/fileadmin/DAM/RCM\\_Website/Uzbekistan.pdf](https://www.unecce.org/fileadmin/DAM/RCM_Website/Uzbekistan.pdf)



**Жинсий шериги бўлган, шунингдек, сўнгги 12 ой давомида амалдаги ёки олдинги жинсий шериклари томонидан жинсий ёки жисмоний зўрланишга дучор бўлган (15–49 ёшдагилар) аёллар сони <sup>2</sup>**

	2014	2015	2016	2017	2018	2019
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>344</b>	<b>252</b>	<b>324</b>	<b>268</b>	<b>185</b>	<b>185</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	26	27	22	20	14	5
Вилоятлар:						
Андижон	8	5	4	5	1	4
Бухоро	1	1	3	4	1	4
Жиззах	10	17	14	9	13	15
Қашқадарё	4	2	3	1	4	59
Навоий	4	1	1	-	-	3
Наманган	1	2	1	2	-	12
Самарқанд	8	5	6	7	11	42
Сурхондарё	16	18	15	13	7	9
Сирдарё	11	27	18	12	4	2
Тошкент	56	64	59	40	23	6
Фарғона	16	18	14	15	5	1
Хоразм	63	52	47	40	33	6
Тошкент ш.	120	13	117	100	69	17

КИШИ

<sup>2</sup> gender.stat.uz

## 2. ТАЗЙИҚ НИМА?

**Тазйиқ** – содир этилгани учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик.

*Масалан, тазйиқнинг зўравонликдан асосий фарқи унда таъсир асосан бегона шахслар томонидан амалга оширилади (шилқимлик қилиши). Зўравонлик асосан оила аъзолари томонидан, хусусан, аёлларнинг эрлари томонидан амалга оширилади.*

### **Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи ким?**

Бу ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахсдир.

### **Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш нима?**

Бу хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизимидир.

## **Тазйиқ ва зўравонлик ҳолати содир бўлганида зудлик билан кимга мурожаат қилса бўлади?**

**Эсда сақланг!** Ишонч телефонлари (1146) зўравонлик қурбонига айланган аёллар ва қизларга оғир вазиятдан чиқишига ёрдам бериб, руҳий, ҳуқуқий ҳамда тиббий кўмак бериш мақсадида ташкил этилган.

### **Статистикага эътибор беринг!**

2019 йилнинг бошида мамлакат ҳудудларида 160 дан ортиқ марказлар фаолият бошлаган. Ҳар бир марказда психолог, ҳуқуқшунос, ижтимоий ва тиббий мутахассислар ихтиёрий асосда иш олиб боради. Марказларда ёрдамга муҳтож ва оғир вазиятларда хотин-қизлар тегишли психологик, ҳуқуқий ва тиббий ёрдам олиши, жумладан, аноним асосда, зарур ҳолларда эса зўравонлик қурбонлари ва фарзандларига бошпана берилиши мумкин.

2019 йилнинг март оyi бошида марказларга **4120** дан ортиқ хотин-қиз мурожаат қилган.

## **Хотин-қизларга тазйиқ ўтказган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан қандай чоралар қўлланилади?**

Жабрланувчи билан алоқага йўл қўйилмайди ва бир хонада бирга бўлиши тақиқланади.

## **Тазйиқ ўтказган шахс зиммасига қандай мажбуриятлар юклатилади?**

Бундай шахслар зиммасига жабрланувчиларни даволаш, ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказга жойлаштириш харажатлари, моддий ва маънавий зиённи қоплаш ва шу каби бошқа мажбуриятлар юклатилади.

## **Тазйик ва зўравонлик қурбони бўлган хотин-қизлар қайси марказларга мурожаат қилиши мумкин?**

**1. “САБР” Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази – зўравонлик қурбонларига психологик, ҳуқуқий ва тиббий маслаҳатлар бериш орқали ёрдам кўрсатади.** Айни пайтда марказ “Қомус” юридик фирмаси билан биргаликда судларда жабрланган аёлларни пулсиз шаклда ҳуқуқий ҳимоясини таъминламоқда. *2014–2019 йиллар давомида “САБР” маркази томонидан 3373 дан ортиқ ишонч телефони бўйича маслаҳатлар, 977 юзма-юз ва 1023 та ҳуқуқий маслаҳатлар берилган (мурожаатларнинг асосий қисми оилавий низоларни бартараф этиш (40) ва шахсий муаммолар (76), тушкунлик (61), бола тарбияси (42) ва бошқа масалалар)<sup>1</sup>.*

(Мурожаат учун: [www.sabr.uz](http://www.sabr.uz) / тел: +99866 233 66 66 Самарқанд вилояти).

**2. “Ойдин Нур” (Бухоро вилояти) оилани ижтимоий ҳимоя қилиш маркази – зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларига ёрдам кўрсатмоқда.** Инкирозли вазиятларда аёллар ва уларнинг фарзандларини қўллаб-қувватлаш учун марказда психологик, зарур тиббий, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам хизматлари йўлга қўйилган. Хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун марказ давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. Зарур ҳолларда аёллар ва уларнинг фарзандларига вақтинчалик бошпана берилади, ишга жойлаштирилади ва уларга хунара ўргатилади. *2014–2018 йиллар давомида марказда қўйидаги хизматлар кўрсатилган: ишонч телефонига кўнгирақлар – 2462; ҳуқуқий ёрдам – 464; психологик ёрдам – 601; ижтимоий ёрдам – 669; судда ҳимоя қилинган аёллар – 29; вақтинча бошпана берилганлар – 441 нафарни ташкил этмоқда.*

(Мурожаат учун: 65 224-65-11, 65 224-60-75, 93 620-60-75).

---

<sup>1</sup> “САБР” республика ижтимоий-иқтисодий ривожлаштириш марказининг Ўзбекистоннинг халқаро ҳисоботи учун тақдим этган маълумотлари. [https://www.uncce.org/fileadmin/DAM/RCM\\_Website/Uzbekistan.pdf](https://www.uncce.org/fileadmin/DAM/RCM_Website/Uzbekistan.pdf)

3. 2018–2019 йиллар давомида “НИҲОЛ” ташаббусларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш маркази (Тошкент вилояти) Канаданинг маҳаллий ташаббуслар жамғармаси кўмагида “Android иловасини ишлаб чиқиш ва ишонч телефонини ишга тушириш орқали Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳуқуқий ахборот билан тенг таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга оширди. Лойиҳадан кўзланган мақсад – ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиб, Тошкент вилоятида аёлларга Android дастурини ишлаб чиқиш эди. Android иловаси Тошкент вилоятида хотин-қизлар ўртасида кундалик турмушга оид ҳуқуқий масалалар ва муаммоларни аниқлаш (чекка қишлоқ ҳудудларидаги аёллар ва ишсиз аёлларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда), эҳтиёжларни баҳолаш натижалари асосида ишлаб чиқилди. Android иловасида меҳнат муносабатлари, уйдаги зўравонлик, тазйиқ, ресурсларга кириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий ахборот ва ҳужжатлар мавжуд.

[https://play.google.com/store/apps/details?id=com.niholo\\_cure.android](https://play.google.com/store/apps/details?id=com.niholo_cure.android)

### **3. ҲУҚУҚЛАРИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ АСОСИЙ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?**

**Мамлакатимизда аёл ҳуқуқлари қайси асосий қонунлар билан ҳимояланади?**

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг кодекслари (Жиноят кодекси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс);
- 3) “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун;

4) “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5938-сон фармони ва бошқалар.

### **Конституциянинг қайси моддаси бевосита аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилади?**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида ҳам хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги белгиланган.

### **Янги қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун аёлларга қандай имкониятларни беради?**

Бу қонун ижтимоий-сиёсий соҳаларда аёлларнинг ролини ошириш, хотин-қизларга имконият ва ваколат бериш, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётида уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида қабул қилинди.

## **Янги қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун аёлларга қандай имкониятларни беради?**

Хотин-қизларни турмушда, иш жойлари, таълим муассасалари ва бошқа жойларда тазйиқ ҳамда зўравонликдан ҳимоя қилиш учун хизмат қилади.

### **4. ҲИМОЯ ОРДЕРИ НИМА?**

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

Ҳимоя ордери намунага мувофиқ серия ва рақамга эга бўлган, қатъий ҳисоби юритиладиган ҳужжат ҳисобланади.

**Тазийк ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар учун ҳимоя ордери**

Серия АА N 0000000

20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_  
(берилган сана) (берилган жой)

**Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёкин содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар:**

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., тутилган санаси ва жойи, ўқиб, иш ва яшаш жойи)

**ШАКЛ-1**  
**Жабрланган шахснинг қонуний ёкин васийлик, ҳомийлик органи вакили**

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., тутилган санаси ва жойи, ўқиб, иш ва яшаш жойи)

ИМЗО

**Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёкин содир этишга мойил бўлган шахсга белгиланган чекловлар:**

тазийк ўтказишни ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш (1)  тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазийк ва зўравонликдан жабрланганлар билан алоқасини тақиқлаш (2)  тазийк ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазийк ва зўравонликдан жабрланганининг ҳамда тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш (3)  тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазийк ва зўравонликдан жабрланганини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазийк ва зўравонликдан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи махсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек, маънавий зиёни компенсация қилиш мажбуриятини юклаш (4)  тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг қўролни (бундан хизмат қўроли мустасно) сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқини ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек, қўрол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқини тақиқлаш (5)  зўравонлик ҳулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши шартлиги юзасидан белгиланган мажбурият (6)

**Чекловлар билан танишдим:**

- (1)  \_\_\_\_\_ ИМЗО  
(2)  \_\_\_\_\_ ИМЗО  
(3)  \_\_\_\_\_ ИМЗО  
(4)  \_\_\_\_\_ ИМЗО  
(5)  \_\_\_\_\_ ИМЗО  
(6)  \_\_\_\_\_ ИМЗО

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати: 20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_  
дан 20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ гача.

20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_  
(танишган сана)

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги:  
20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ дан 20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ гача.

✕ \_\_\_\_\_



Тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишига мойил бўлган шахс учун ҳимоя ордери нусхаси

Серия АА N 0000000

20\_\_ йил " \_\_ " \_\_\_\_\_  
(берилган сана) (берилган жой)

Тазийк ўтказилган ёки зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ҳақидаги маълумотлар:

(Ф.И.О, тутилган санаси ва жойи, ўқиш, иш ва яшаш жойи)

Ҳимоя ордерида белгиланган чекловлар ва белгиланган мажбурият:

тазийк ўтказишни ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш (1)  тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазийк ва зўравонликдан жабрланганлар билан алоқасини тақиқлаш (2)  тазийк ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазийк ва зўравонликдан жабрланганнинг ҳамда тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш (3)  тазийк ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазийк ва зўравонликдан жабрланганни даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазийк ва зўравонликдан жабрланганларга ердан кўрсатувчи махсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек, маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юклаш (4)  тазийк ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг қуролни (бундан хизмат-штанга қуроли мустасно) сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқини ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек, қурол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқини тақиқлаш (5)  зўравонлик ҳулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши шартлиги юзасидан белгиланган мажбурият (6)

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати: 20\_\_ йил " \_\_ " \_\_\_\_\_ дан 20\_\_ йил " \_\_ " \_\_\_\_\_ гача.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги: 20\_\_ йил " \_\_ " \_\_\_\_\_ дан 20\_\_ йил " \_\_ " \_\_\_\_\_ гача.

✕

Жабрланган шахснинг қонуний ёки васийлик, ҳомийлик органи вакили  
(Ф.И.О, тутилган санаси ва жойи, ўқиш, иш ва яшаш жойи)

ИМЗО

Чекловлар билан танишдим:

- (1)  \_\_\_\_\_ ИМЗО  
(2)  \_\_\_\_\_ ИМЗО  
(3)  \_\_\_\_\_ ИМЗО  
(4)  \_\_\_\_\_ ИМЗО  
(5)  \_\_\_\_\_ ИМЗО  
(6)  \_\_\_\_\_ ИМЗО

20\_\_ йил " \_\_ " \_\_\_\_\_  
(танишган сана)

**Ҳимоя ордери берилётган шахс ҳақидаги  
маълумотлар:**

**Чекловлар билан  
танишдим:**

**Серия АА N 0000000**

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О. туғилган санаси ва жойи, ўқиш, иш ва яшаш жойи)

Ҳимоя ордерини

олдим:

\_\_\_\_\_

(жабрланувчининг Ф.И.О. имзоси ҳимоя ордерини олган йил, ой ва сана)

(1)  \_\_\_\_\_ ИМЗО

(2)  \_\_\_\_\_ ИМЗО

(3)  \_\_\_\_\_ ИМЗО

(4)  \_\_\_\_\_ ИМЗО

(5)  \_\_\_\_\_ ИМЗО

(6)  \_\_\_\_\_ ИМЗО

**Ҳимоя ордери берилган шахсга ушбу ордерда  
белгиланган талабларни тушунтириш:**

Мен \_\_\_\_\_ ҳимоя ордерида қайд этилган чекловлар таъйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахс томонидан бажарилмаган ҳолларда зудлик билан мансабдор шахсни хабардор қилиш тартиби билан танишдим.

\_\_\_\_\_

(жабрланувчининг имзоси)

20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_  
(танишган сана)

**Серия АА N 0000000**

**Чекловлар билан  
танишдим:**

**Ҳимоя ордери нусхаси берилётган шахс ҳақидаги  
маълумотлар:**

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О. туғилган санаси ва жойи, ўқиш, иш ва яшаш жойи)

Ҳимоя ордерини

олдим:

\_\_\_\_\_

(Таъйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг танишганлиги юзасидан имзо, йил, ой ва сана)

(1)  \_\_\_\_\_ ИМЗО

(2)  \_\_\_\_\_ ИМЗО

(3)  \_\_\_\_\_ ИМЗО

(4)  \_\_\_\_\_ ИМЗО

(5)  \_\_\_\_\_ ИМЗО

(6)  \_\_\_\_\_ ИМЗО

**Ҳимоя ордери берилган шахсга ушбу ордерда  
белгиланган талабларга рияз этмасликнинг  
оқибатларини тушунтириш:**

Мен \_\_\_\_\_ ҳимоя ордеридаги чекловлар ва уни бажармаслик оқибатлари билан танишдим

\_\_\_\_\_

(Таъйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахс имзоси)

20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_  
(танишган сана)

## **5. ҲИМОЯ ОРДЕРИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?**

### **Қандай ҳолатларда ҳимоя ордери берилади?**

- 1) жабрланган аёл киши мурожаат қилганида;
- 2) жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ёки ижтимоий тармоқлар орқали зўравонлик ҳақида тарқалган хабарлар мавжуд бўлганда;
- 3) ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан зўравонлик ҳаракатлари бевосита аниқланганида;
- 4) давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинган материаллар асосида ҳимоя ордери берилади.

### **Ҳимоя ордери ким томонидан берилади?**

Ҳимоя ордери ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори томонидан берилади.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ва ташкилотлар жабрланган хотин-қизлар бўйича маълумотга эга бўлгач, намунага мувофиқ шаклдаги хабарномани дарҳол ички ишлар органларига тақдим этади.

Хабарнома қонун ҳужжатларига мувофиқ ички ишлар органларининг навбатчилик қисмидаги дафтарда қайд этилади.

**ХАБАРНОМА**

20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_ кун  
соат \_\_\_\_\_ да

---

\_\_\_\_\_ томонидан  
(таъйик ва зўравонлик содир этган ёки содир  
этишга мойил бўлган шахснинг Ф.И.О. ва яшаш  
манзили)

---

\_\_\_\_\_

---

\_\_\_\_\_

---

\_\_\_\_\_

---

\_\_\_\_\_

---

(таъйик ва зўравонлик содир этган ёки содир  
этишга мойил бўлган шахснинг содир этилган  
хатти-ҳаракатлари баён этилади)

---

\_\_\_\_\_ томонидан  
(хабар берган ваколатли орган номи, ходимнинг  
Ф.И.О)

Ушбу хабарнома 20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_ кун  
соат \_\_\_\_\_ да ички ишлар органлари  
навбатчилик қисмида \_\_\_\_\_-сон билан қайд  
этилди.

Ушбу хабарнома 20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_ кун  
соат \_\_\_\_\_ да ички ишлар органларининг \_\_\_\_\_  
сонли таянч пункти профилактика  
инспекторига тақдим этилди.

---

(хабар берган ваколатли орган номи, ходимнинг  
Ф.И.О) (имзо)

Хабарнома тақдим этилган сана:  
20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_ кун соат \_\_\_\_\_ да  
(М.Ў.)

Хабарномани қабул қилдим:

---

(хабарномани қабул қилган ИИО ходимнинг  
Ф.И.О)

---

(имзо)

**ХАБАРНОМА**

20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_ кун  
соат \_\_\_\_\_ да

---

\_\_\_\_\_ томонидан  
(таъйик ва зўравонлик содир этган ёки содир  
этишга мойил бўлган шахснинг Ф.И.О. ва яшаш  
манзили)

---

\_\_\_\_\_

---

\_\_\_\_\_

---

\_\_\_\_\_

---

\_\_\_\_\_

---

(таъйик ва зўравонлик содир этган ёки содир  
этишга мойил бўлган шахснинг содир этилган  
хатти-ҳаракатлари баён этилади)

---

\_\_\_\_\_ томонидан  
(хабар берган ваколатли орган номи, ходимнинг  
Ф.И.О)

Хабарнома тақдим этилган сана:  
20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_ кун соат \_\_\_\_\_ да  
(М.Ў.)

---

(имзо)

Қ  
И  
Р  
К  
М  
А  
К  
Н  
С  
М  
И

## **Такдим этилган муурожаат қанча муддатда ўрганиб чиқилади?**

Профилактика инспектори ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан такдим этилган муурожаатлар ва хабарларни 24 соат мобайнида ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш давомида:

– жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар ҳамда бошқа шахслар билан ҳолат юзасидан суҳбат ўтказади;

– жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахснинг турмуш тарзи, тазйиқ ва зўравонлик содир этилишининг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганади;

– жабрланувчи шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

## **Профилактика инспектори муурожаат ва хабарларни ўрганиш якуни бўйича қандай хулосага келади?**

Тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда ҳимоя ордерини расмийлаштиради.

Жабрланувчининг розилиги билан зўравонлик содир этган шахслар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларни ҳимоя ордери берилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

Тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланмаган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли чораларни белгилайди ҳамда бу ҳақида фуқаролар йиғини раиси, котиби иштирокида далолатнома расмийлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланган тақдирда ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материалларини жиноий жавобгарлик

масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборади.

### **Шахс ҳимоя ордерини олишни ва уни имзолашни рад этса, нима бўлади?**

Профилактика инспектори холислар иштирокида далолатнома тузади ҳамда уни ушбу хатти-ҳаракатни давом эттирган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисида расмий огоҳлантиради ва бу ҳақида жабрланувчини хабардор қилади.

### **6. ҲИМОЯ ОРДЕРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?**

Ҳимоя ордери расмийлаштирилганда барча ёзувлар кўк (ҳаворанг) сиёҳли ручкада, тушунарли қилиб ёзилади.

#### **Ҳимоя ордери неча қисмдан иборат бўлади?**

Уч нусхадан иборат бўлади:

*биринчи нусхаси* тўлдирилгандан сўнг жабрланувчиларга берилади;

*иккинчи нусхаси* зўравонлик содир этган шахсларга берилади;

*учинчи нусхаси* профилактика инспекторида қолади.

#### **Эсда тутинг!**

Ҳимоя ордери **ўттиз кун** муддатга берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Профилактика инспектори ҳимоя ордери берилганидан сўнг уч кун муддатда бу ҳақида тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси,

туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)нинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) бошлиғини хабардор қилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи ҳимоя ордерини расмийлаштириш учун тўпланган материалларни ўрганиб, тарафлар фикрини эшитган ҳолда профилактика инспекторининг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ҳақли.

### **Ҳимоя ордери берилган ҳолатларга назар ташлайлик!**

Тошкент шаҳри Чилонзор туманида яшовчи фуқаро Р.К. 2020 йилнинг 6 май куни ариза билан мурожаат қилган. Р.лар оиласида юзага келган оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар оқибатида ушбу оиланинг келини Р.К.га нисбатан турмуш ўртоғи Р.Ш. томонидан жисмоний зўравонлик ҳамда ушбу оиланинг аъзоси – қайнопаси Р.М. томонидан руҳий зўравонлик ўтказилгани аниқланган. Ҳолат юзасидан профилактик суҳбат ўтказилиб, келгусида оиланинг мустаҳкамлигини сақлаб қолиш мақсадида ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, психологик ёрдам кўрсатилган. Шунингдек, келгусида ушбу оилада турли хил ҳуқуқбузарликлар келиб чиқишининг олдини олиш ҳамда оилани фаравонлигини сақлаб қолиш мақсадида зўравонликка учраган Р.К.ни турмуш ўртоғи ҳамда қайнопасидан қонуний ҳимоя қилиш мақсадга мувофиқ деб топилган. 2020 йилнинг 6 май кунида **ҳимоя ордери** расмийлаштирилган. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, Р.лар оиласида турмуш доирасида ҳуқуқбузарликлар кузатилмаган. Ҳозирги кунга қадар оила аъзолари бир-бирлари билан тинч-тотув яшаб келмоқда.

## **7. ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?**

### **Ҳимоя ордери амал қилиш даврида профилактика инспекторлари қандай ишларни амалга оширади?**

– тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради;

– хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

– ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат қилади ҳамда унинг талабларини бузган, зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради.

### **Ҳимоя ордери амал қилиш даврида меҳнат органлари қандай ишларни амалга оширади?**

– хотин-қизларга нисбатан иш жойида тазйиқ ва зўравонлик ўтказилган ҳолларда, бундай ҳолларга йўл қўймасликка қаратилган, шунингдек, хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар маданиятини ошириш бўйича ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказиши;

– ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради.

### **Ҳимоя ордери амал қилиш даврида таълим муассасалари қандай ишларни амалга оширади?**

– таълим муассасаларида таҳсил олувчилар орасидан хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир



этишга мойил шахслар аниқланганда уларнинг хулқ-атворини тузатиш, шунингдек, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширади;

– тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларнинг таълим муассасаларида бўш вақтни мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида тадбирлар ташкил этади;

– ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақида профилактика инспекторига хабар беради.

### **Ҳимоя ордери амал қилиш даврида соғлиқни сақлаш муассасалари қандай ишларни амалга оширади?**

– тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини амалга оширади;

– ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақида профилактика инспекторига хабар беради.

### **Ҳимоя ордери амал қилиш даврида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қандай ишларни амалга оширади?**

– хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашади;

– хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишларида қатнашади;

– ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати мобайнида тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи зўравонликни содир этган шахс, шунингдек, жабрланувчи билан келгусида бундай

ҳолларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фаоллари иштирокида суҳбатлар ўтказилади;

– бу ҳақида профилактика инспекторига хабар беради.

## **8. ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?**

Ҳимоя ордери амал қилиши даврида хавф бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати жабрланувчининг аризасига кўра ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

### **Профилактика инспектори қандай ишларни амалга оширади?**

– ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида жабрланувчининг аризасини, шу жумладан хавф бартараф этилган ёки этилмаганини ўрганади;

– ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан тўпланган маълумотларни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғига киритади.

### **Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи қандай ишларни амалга оширади?**

Икки иш куни мобайнида тегишли ҳужжатларни ўрганган ҳолда ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтиради ёки узайтиришни рад этиш тўғрисида асосланган қарор қабул қилади.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган тақдирда бу ҳақида амалдаги бланкага белги қўйилиб, жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар таништирилади ҳамда зўравонлик содир этган шахслар хулқ-

атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тўғрисида огоҳлантирилади.

## **9. ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?**

**Ҳимоя ордерининг амал қилиши қуйидаги ҳолатларда тугатилади:**

– жабрланувчи ҳимоя ордерини тугатишни сўраб мурожаат қилганда;

– ҳимоя ордерида белгиланган муддат (узайтирилган муддат) тугаганда;

– жабрланувчи ёки зўравонлик содир этган шахсдан бири суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

– содир этган жинояти учун жабрланувчи ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бирига нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланганда;

– жабрланувчилар ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бири содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилганда;

– жабрланувчилар ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бири мажбурий даволанишга юборилганда;

– жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларнинг бири қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий яшаш жойидан узоқ муддатга бошқа мамлакатга чиқиб кетганда;

– жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслардан бири вафот этганда.

**Жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларга  
химоя ордерини бериш тартиби  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро мuddати
1-босқич	Тазйиқ ва (ёки) зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар. жисмоний ёки юридик шахслар. ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари	Хотин-қизлар тазйиқ ва (ёки) зўравонликдан жабрлангани тўғрисида ички ишлар органларига мурожаат қилинади (хабар берилади).	Заруратга қараб
2-босқич	Ички ишлар органлари навбатчилик қисми	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мурожаат ва хабарлар ички ишлар органлари навбатчилик қисмидаги дафтарга қайд этилади.</li> <li>2. Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмида белгиланган тартибда қайд этилган мурожаатлар ва хабарлар профилактика инспекторига тақдим этилади.</li> </ol>	Дарҳол
3-босқич	Профилактика инспектори	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан тақдим этилган мурожаатлар ва хабарларни ўрганиб чиқади ва унинг якуни бўйича: тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда химоя ордерини расмийлаштиради: тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланмаган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли чораларни белгилайди ҳамда бу ҳақида фуқаролар йиғини раиси, котиби, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис иштирокида далолатномани расмийлаштиради:</li> </ol>	24 соат мобайнида химоя ордери берилганидан сўнг уч кун мuddатда

		<p>Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига назарда тутилган жиноят белгилари аниқланган тақдирда ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материалларини жинойий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборади.</p> <p>2. Ҳимоя ордери берилгани ҳақида тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)нинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) (кейинги ўринларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими деб аталади) бошлиғини хабардор қилади.</p>	
4-босқич	Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи	<p>1. Ҳимоя ордерини расмийлаштириш учун тўпланган материалларни ўрганиб, тарафлар фикрини эшитган ҳолда профилактика инспекторининг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ҳақли.</p> <p>2. Ҳимоя ордерини бериш фаолияти устидан мониторинг олиб боради.</p> <p>3. Профилактика инспекторлари томонидан жабрланувчи зўравонлик содир этган шахсларга берилган ҳимоя ордери тўғрисидаги статистик маълумотларни умумлаштириб, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Тошкент вилояти ва Тошкент</p>	<p>Заруратга қараб</p> <p>Ҳар ойнинг 2-кунига қадар Ҳар ойда</p>

		шаҳар ички ишлар бош бошқармалари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаларига тақдим этади.	
5-босқич	Туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғи	Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғининг хотин-қизларни тазйиқдан ҳимоя қилиш, шу жумладан, ҳимоя ордерини бериш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи тезкор йиғилишларда муҳокама қилиб борилади.	Ҳар ойда
6-босқич	Меҳнат органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари, таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, Хотин-қизлар кўмитаси ҳудудий бўлимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	1. Зиммаларига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширади. 2. Амалга оширилган ишлар тўғрисида профилактика инспекторига хабар беради.	Ҳимоя ордери амал қилиши мобайнида
7-босқич	Профилактика инспектори	1. Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан, уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради. 2. Хотин-қизларга тазйиқ ўлкастган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам равишда профилактика ишларини олиб боради. 3. Ҳимоя ордери талабларининг ижроси	Мунтазам равишда  Мунтазам равишда  Ҳимоя ордери амал

		устидан назорат қилади ҳамда унинг талабларини бузган зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради.	қилиши даврида
8-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармалари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари	Жабрланувчи, зўравонлик содир этган шахсларга берилган ҳимоя ордери тўғрисидаги статистик маълумотлар умумлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасига тақдим этилади.	Кейинги ойнинг 5-қунига қадар

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 76.
2. Ўзбекистон Республикаси Кодекслар тўплами. Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2019. – Б. 960.
3. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун.
4. “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5938-сон фармони.
6. “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори.
7. 2020 йил 4 январдаги Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида низом.
8. Двадцать пятая годовщина Проведения Четвертой Всемирной конференции по положению женщин и принятия Пекинской декларации и Платформы действий (1995 г.). Отчет выполнения положений Пекинской декларации и платформы действий Узбекистан. Ташкент, 2019. <https://www.unece.org/fileadmin/DAM/RCM/Website/Uzbekistan.pdf>
9. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси Ўзбекистон гендер статистикаси расмий сайти: [gender.stat.uz](http://gender.stat.uz)



**УМАРХАНОВА ДИЛДОРА ШАРИПХАНОВНА  
ГАФУРОВА НОЗИМАХОН ЭЛЬДАРОВНА**

**АЁЛЛАР УЧУН ҲИМОЯ ОРДЕРИНИ ОЛИШ  
ҲУҚУҚИНГИЗ БОР**

**Рисола**

*Масъул муҳаррир: Ҳ. Салоева*

*Муҳаррир: С. Тошева*

*Техник муҳаррир: У. Сапаев*

*Компьютерда саҳифаловчи: Д. Ражапов*

Босишга рухсат этилди: 16.06.2021.

Ҳажми: 2 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 17.

Тошкент давлат юридик университети.

Типография бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.